

oil va jamiyat

Oil va Jamiyat

4 сон

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

пайшанба кунлари чиқади

1997 йил январ

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КҮМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нарҳда



● Утган ҳафтада республика-миз Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Чехия ва Словакия республикаларида бўлди. Ташриф чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон ва Словакия ўртасида ўзаро муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

● Ўзбекистон Олий Мажлиси вакиллари Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси ҳамда Австрия парламенти ҳамкорликда ташкил этган, демократия ва парламентаризм масалаларига бағишланган халқаро семинарда иштирок этишди.

● Республика Вазирлар Маҳмасида 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи уринбосари, комиссия раиси И. Журабеков бошқарди.

● Маълумки, юртбошимизнинг Фармонида биноан ҳар йили август ойининг учинчи яшанбаси «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами куни деб эълон қилинган эди. Вазирлар Маҳмасида ана шу қўшиқ байрамини ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Бош вазир уринбосари, мазкур кўмита раиси А. Азизхўжаев бошқарди.

● Тошкентда «Конституциявий суд ва инсон ҳуқуқлари» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Уни Республика Конституциявий суди ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази ҳамкорликда ташкил этди.

● Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон геология хизмати ташкил этилганлигининг 70 йиллигига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Бош вазирнинг биринчи уринбосари И. Журабеков Президент Ислам Каримовнинг юбилей муносабати билан геологларга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди ва соҳанинг илғор ходимларига ҳукумат мукофотлари ва Фахрий ёрлиқларини топширди.

● Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимов таваллудининг 87 йиллигига бағишлаб «Жиззах шаҳри ижодкорлари» мавзусида мактаб ўқувчилари ўртасида курик-танлов бўлиб ўтди.

● Нукусда янги, вилоятлараро автовокзал қурилиши жадал олиб борилаяпти. Қурилиш қиймати 60 миллион сўмни ташкил этади. Ҳозиргача 10 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ ушлаштирилди.

ЎзА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



— Ойим рухсат берсалар...

4-БЕТ:

ТУШДАГИ ВОҚЕАЛАР

«Меҳригулни иккала қўлидан ушлаб, ҳадеб очиқ қабр томонга тортар ва: — Мана, сенинг уйинг битди, юрақол, юр, ю-у-р, — дерди».

КЕЛИНЧАККА МАКТУБЛАР

«Секингина «хуп» дедиму, узимнинг укувсизлигимдан хурлигим келди».

5-БЕТ:

МУБТАЛОЛИК

Хикоя

«Очигини айтганда, бир мартта боши дсворга урилган бахтиқаро жувоннинг унга нима кераги ҳам бор?»

Муассисларимиз фаолиятдан

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ПАШВИШИ

Сурхондарё вилоят хотин-қизлар қўмитасининг бу галги раёсат йиғилиши оналар ва болалар саломатлиги, уларнинг маънавий баркамоллиги мавзусига бағишланди. Йиғилишда Узун туманида бу борада олиб борилаётган ишлар юзасидан вилоят хотин-қизлар қўмитаси сектор мудирини Гликеря Ким маъруза қилди. Шундан сунг Узун тумани ҳокими уринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Маҳбуба Баҳриддинова, туман марказий шифохонаси бош ҳақими Умар Эгамбердиев, вилоят туғруқхонаси

булим мудирини Ҳалима Отақуловаларнинг ахбороти тингланди.

Сузга чиққанларнинг гапларидан шу нарса аён бўлдики, Тожикистон алюмин заводи муриларида кутарилаётган захарли тугунлар оналар ва болалар саломатлигига жиддий таҳдид солмоқда. Узун туманида экологик аҳволнинг бузилиши натижасида ёш болаларда, усмирлар уртасида бўқоқ, нафас йулларининг турли хил касалланишлари кейинги пайтларда куп учраётир. Бу эса жамоатчиликдан, шифокорлардан жиддий эътиборни, амалий ишларни талаб этади.

ОДАМЛАР СЕВИНГАНДА...

Агар теварак-атрофга эътибор бериб қарасангиз, бир чимдим меҳрга, бир оғиз илик, самимий сузга муштоқ одамлар оз эмаслигини кўрасиз. «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлимидагилар ана шундай меҳрга ташна, озгина ёрдамга муҳтож кишиларни топиб, уларнинг оғирини енгил қилиш, кунгини хушладдек савобли ишнинг эътидан маҳкам тутишган. Яқинда бўлим қошида тузилган тиббий-ижтимоий бригада Термиз шаҳрида яшайдиган ун нафар тугма ногироннинг уйига ташриф буюрди. Шифокорлар уларнинг саломатлигини текшириб қўришди, керакли маслаҳатлар, бепул

дори-дармонлар ва шу билан бирга кийим-кечаклар совға қилишди.

Айтиш керакки, тиббий-ижтимоий бригада шу йил бошидан бери тинимсиз ҳаракат қилмоқда. Одамлар бўлим ихтиёридаги «Амбуланс»нинг Сурхон воҳасидаги йироқ қишлоқларда, овулларда беморларни, бординки, оилаларни тиббий куриқдан утказишга куп бор гувоҳ бўлишган. Бригада яқинда Бандихон туманида 200 дан ортиқ, Қизирқ туманида эса 200га яқин оилани тиббий куриқдан утказди. Лозим деб топилган кишиларга бепул дори-дармонлар бериб чиқилди.

— Мақсадимиз шуки, — дейди бўлим директори муовини Панжир Шоназаров, — ҳудуди анча катта бўлган Сурхон воҳасида бизнинг бригада, «Амбуланс» бормаган, қишлоқ, овул, маҳалла бўлмаслиги керак. Бутун режамиз ана шу асосда тузилган.

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ,
Сурхондарё вилояти

«Ахборот АЁЛ ВА САЛОМАТЛИК

Оналик ва болаликни, бозор иқтисодидаги ўтиш шароитида хотин-қизлар меҳнати ва саломатлигини муҳофаза этиш, қизларни турмушга тайёрлаш, оилани режалаштириш, хотин-қизлар уртасида ногиронлиқни бартараф этиш, аёллар меҳнатини таъкил қилиш каби масалалар бутун куннинг долзарб муаммолари ҳисобланади. Тошкент шаҳар перинатал марказида утказилган республика илмий-амалий семинарида шу ҳақда суз борди. Йиғилишда таъкидланганидек, бу борада хотин-қизлар қўмиталари, соғлиқни сақлаш муассасалари, жамоат ташкилотлари, тегишли вазирликлар томонидан қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда, шу билан бирга ҳал қилинишни кутатган турли муаммолар оз эмас.

Семинар ишида Бош вазир уринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова қатнашди.

Ўз мухбириимиз

ЯНТОҚ БОСГАН «АГОРОТ»

Яқинда байрам муносабати билан қишлоққа бордим. Автобусдан тушиб, бекатда турган ҳам-қишлоқларим билан куришиб, ҳол-аҳвол сурашгач, Шўҳрат суради:

— Тошкентда гушт нечи пул, ака?

— 160-180 сум. Хоҳласанг, бундан арзониям, қимматиям топилади.

— Э, нима булаянти узи. Гушт бизда — Ғаллаоролда ҳеч қачон 140 сум бўлмаганди. Ҳозир...

— Нолима болам, нолима, — дея сўхбатимизни бўлди ёши 70ни қаршилаётган Эшқул бобо.

— Ҳозирги ёшларга ҳайронман, фақат нолийсанлар, шукур қилишни билмайсанлар. Инсон Оллоҳ берган ризқу насибасига шукур қилиши керак. Дастурхонда нони-

Индаллосини айтганда

нг бўлса, қора қозон қайнаб турса, нимага нолийсан. Уруш йиллари, урушдан кейинги 5-10 йил... Э, у кунларни эслашнинг узи даҳшат. Йўғ, узи сенлар ҳам гирт дангасасанларда. Мана, масалан, мен яқинда водийга бориб келдим. Ишонасизларми, булбулни ортидай «агороти» бор, ана шу бир парча ердан 4-5 ҳосил оларкан, шуни орқасидан оила тебратаркан. Энди бизни қишлоқни олинлар, ҳар биримизда ярим гектарга яқин «агорот» бор. Лекин купчилигимиз бу ердан саратонда янтоқ чопиб оламиз, халос. Ерга энкайиш керак, ер билан муомала қила билиш керак. Э, сенлар эса...

Сўхбатимиз шу ерда узилди. Автобус келди. Мен уйга қараб йўл олдим. Лекин... Дарҳақиқат, Эшқул бобо туғри гапни айтди-я...

Баҳриддин АБДУ САИД



Тўхтанглар, мениям чанага миндириллар.
А. САПАРМАТОВ олган сурат

КЛИНТОННИНГ ЗАФАРИ

Душанба куни АҚШ пойтахтида Б.Клинтонни Президентликка тантанали тайинлаш маросими бўлиб ўтди. Иккинчи марта бу юксак лавозимга сайланган Б.Клинтон АҚШ тарихида Кеннедидан кейинги энг еш президент.

Бундан тўрт йил олдин утказилган сайловларда унинг галаба қилишини купчилик кутмаган эди. Ушанда зафар кучган Б.Клинтон дастлаб анча қийинчиликларга дуч келганди. АҚШ Конгресси еш президентдан маҳкамасини бутунлай янгиланиш талаб қилиб туриб олди. Бунинг устига Конгрессга утказилган сайловларда Демократлар ютқизиб қўйишди. Айниқса, Оклахомадаги портлашларда уялб фуқароларнинг ҳалок бўлгани вазиятни ҳийла мураккаблаштирди... Бироқ Клинтон қатъият билан ишга киришиб, жиддий уялларга эришди, жумладан, 4 миллион ишсиз аҳолини иш билан таъминлади, инфляция суръатларини пасайтирди. Суровларнинг қуратишча, АҚШ аҳолисининг 60 фоизи уни еклаб овоз берган.

Вашингтондаги тантаналарда Б.Клинтон қасамед қилиб, узи олиб бораётган сийсатни ҳеч ким узарти-

ролмаслигини таъкидлаб гапирди.

ХАРАЖАТИ
КИМНИНГ
БЎЙНИДА?

Собиқ Югославия пойтахти Белград шаҳридаги намойишлар икки ойдан бери давом этаётир. Утган йил ноябр ойида утказилган сайловлар натижаларининг сохталаштирилгани мамлакатдаги мухолиф демократик кучларни ғазаблангирди. Ҳукуматнинг бироз еш берганига қарамай, норозиликлар тухтагани йўқ. Бу эса танг аҳволдаги мамлакат иқтисодидаги жуда катта зиен етказаетир. Ҳар куни 20 минг полициячи кучага чиқарилади, уларнинг ойлик маошига «кийин шароитда» хизмат утаётгани учун 100 динордан қўшиб берилади, немис пули билан 250 минг марка микдориди озиқ-овкат тарқатилади ва 300 автобус ҳар куни уларни ташиш билан банд. Транспортга эса бир кунда 100 минг марка маблағ сарфланаётир. Ҳукумат бюджет камомадига чора излаб



овора, мухолифчи кучлар эса намоийишларни узил-кесил галабагача давом еттирмоқчи.

МУБОРАК
ОЙДАГИ
ҚОТИЛЛИК

Покистоннинг Лаҳор шаҳридан берилган хабарга қўра, бу ерда кучли портлаш оқибатида 26 киши ҳалок бўлган, 100 дан ортиқ киши жароҳатланган. Бу қотилликка шаҳардаги сунни ва шиъа жамоалари гуруҳлари орасидаги зиддият сабаб бўлган. Гуруҳларнинг биридан қасос олишлари оқибатида утган йили 200 киши ҳалок бўлган эди. Юз берган воқеадан дарғазаб бўлган сунни жамоаси гуруҳи шаҳардаги Эрон маданият марказига басториб кириб, бинони еқиб юборишган.

ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТНИНГ
ЭЪТИРОФИ

Болгарияда янги Президент Петр Стоянов қасамед қилиб, лавозимга расман тасдиқланди. Унинг зиммасидаги

юк ҳар қачонгидан оғир: мамлакат иқтисоди оғир аҳволда, жамият бир-бирига мухолиф тарафларга ажралиб кетган, пойтахтда норозилик намоийишлари узлуксиз давом етмоқда. Тантаналар чоғида П. Стоянов Болгарияни бутунги оғир аҳволдан олиб чиқиб, ғарб цивилизацияси эришган даражага қутариш учун ҳаракат қилишини айтди. «Узимнинг беш йиллик президентлик муддатим ичида Болгарияни НАТОга аъзо қилишга улгурмасам, кейинги сайловларда яна галаба қилиш учун курашаман», деди П. Стоянов.

ИНҚИРОЗНИНГ ДАВОМИ

Чамаси, 1996 йил ҳам Россия тарихида иқтисодий инқироз йиллари сирасига кирадиган бўлди. Россия Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш яна 5 фоизга, инвестиция 18 фоизга камайган. Қишлоқ хўжалигидаги йўқотишлар утган йилдагидан 7 фоиз куп. Чорва моллари сони кескин камайиб кетган.

Шарҳловчилар Россия иқтисодидаги инқирозни тухтатишнинг иложи топилаётганини таъкидлашганиб таъкидлашмоқда.

Мунозара учун мавзу

БОЛА ТАРБИЯСИ УЧУН ВАҚТ АЖРАТГАНМИСИЗ?

Тасаввур қилинг. Аёл ишдан уйга қайтаётган. Йўл-йўлакай хонадониди уни кутиб турган бир дунё юмуш ҳақида уйламоққа чоғланади: овқатни қайнатиб қуйиб, уйни супуриб-сидириб оламан. Тогорага ивйтиб қуйган кирларни юваман, кечаги ювилганларини дазмоллайман. Сунг чала қолган куйлагимни тикиб қўяман. Улгурсам, бирор хил ширинлик пиширарман... Бу аёлнинг уйда бири мактабдан, бири боғчадан қайтиб, «дом»га қамалибгина утирган кичкин-тойлар бор. Улар эшик кунгириги жирингласа-да, бориб очилмайди. Негаки, қаттиқ тайинланган: «Бегона амакилар уйга кетиши мумкин!» Шу учун ҳам улар гоҳ сохта, гоҳ деараза орқали кучага тез-тез қараб қўяверишади. Аёл эса болалари уни нима учун кутаётганидларини уйлаб утиришга вақти йўқ. У ишдан келиб, адоги йўқ уй юмушларига кумилиб кетади.

Хўш, менинг узим-чи? Мен ишдан қайтаётган нималар ҳақида уйлайман. Уй юмушлари оралигида яна бир муҳим юмуш борлиги, у ҳам бўлса бола тарбияси учун вақт ажратиш эканини уйлайманми, ҳеч? Йўқ, албатта. Болаларимиз биз ойижонларини нега зориқиб қуттишлари, уларнинг бизга аталган турфа хил саволлари, жажжи истаклари борлиги ҳеч ҳаёлимизга келганми? Уларнинг тарбияси учун қачон ва қандай вақт ажратаямиз?

Манбалардан бирида ўқиб қолдим:

«Статистик маълумотларга қўра, ҳозирги ишловчи аёлларнинг битта фарзандига ажратган вақти бир суткада ун етти сонияни ташкил этаркан...» Эртасига шу қизиқ фактни ҳамхонамга гапириб бердим. «Э, бу эскирган рақам-ку, — деди у қўл силтаб. — Сизга айтсам, бугунги аёл уз фарзандига ун етти лаҳза ҳам вақт ажратмайди!» Негадир жадлим чиқди. Наҳотки шундай бўлса? Беихтиёр ҳар қуни уйда бўладиган ҳолатларни узимча таҳлил қила бошладим. Қизалоғим гоҳида енимга келиб суйканади: «Аяжон, мен билан юринг!» (Биламан, у тиззамга утириб, нариги хонадаги юмшоқ уриндикда мен билан соатлаб гаплашишни хоҳлайди). «Ишим қўлда, кизим, бор, қўғирчоқларинг билан уйнаб тур...» Қизим эса аллақачон «жонига теккан» жонсиз қўғирчоқлари билан уйнагиси йўқ, бир четда жавдираб менинг ишим тамом бўлишини кутади. Унинг уксинганини қўриб, гап қотаман: «Бугун боғчада нималарни ургандинг?» Шунда у жонланиб, ҳўшёр тортади, урнидан туриб гир айлана кетади, сунг «Мана мен қанақа уйини урганиб олдим, бир қаранг...» дейди. Мен эса бу вақтда қозон қопқоғини епиб, кир ювиш учун ваннахонага бурилаётган бўламан. «Ахир, бир қарашга вақт қани!» Қизалоғим ҳафсаласи пир бўлиб нариги уйга акаси енига кетади.

Уғлим-ку, мени ҳуда-беҳуда безовта қилавермайди. Шундай бўлса-да гоҳи

узим «Бугун мактабда нималарни ўқинглар?» деб сураб қўяман. У мириқиб гапириб бера бошлайди. Бош силкиб қўяману, ишимни давом эттираверман. Сунг еганларини менга келиб қўрсатади. Мен эса «Дарсингни қилавер, ишимни тугатиб бориб, бирма-бир текшираман!» дейман. Қасқда! Юмуш тамом бўларканми. Хўллас, кунлар шу тахлит утди. Болаларимиз эса бизнинг меҳримизни, эътиборимизни, бўш вақтимизни орзиқиб кутиб яшайверилмади...

Қўлингча хориж филмларини кураимиз. Қаранг, улар бир вақтнинг узида боласи учун ҳам урток, ҳам маслаҳатдош, ҳам устоз бўла олишади. Тарбия учун алоҳида вақт ажратишади, уйда ҳам махсус машғулотлар тартибини кундалик режаларнинг биринчи вазифаси қилиб қўядилар!

Дарҳақиқат, фарзандларимиз бизнинг меҳримиз бўлогидан сув ичиб, яйраб-яшнамоқлари зарур. Биз эса улардан чексиз меҳр-муҳаббатимизни аяймиз, баъзан. Гап болани эркалаб-суюш ҳақида эмас. Асло! Меҳр фақатгина эркалаш жараёнида берилмайди, аксинча у бизнинг жисми-жонимизни бахш этишимиз баробарида болага сингдирилади. Гудакларимиз биздан ана шундай улкан меҳрни кутиб яшайдилар. Яна бир воқеа. Бир тунда уйқим қочиб, туриб кетдим. Кутубхонадан олган китобни мутулла қилиб тонг оттирмоқчи бўлдим. Шар-



памдан қизалоғим ҳам уйғониб кетди. Енимга келиб утирди. Бирдангина меҳрим товланди. Тезгина чой қуйиб, икковимиз учун нонушта ҳозирладим. Она-бола тонг қоронғусида бирга чой ичишдик, икки соатча мириқиб суҳбатлашдик, зўр ҳафсала билан унинг гапларини эшитдим, ҳеч бир саволини жавобсиз қолдирмадим. Эртасига эса... Ярим тунда қизчам мени туртиб уйғота бошлади. Уйқу аралаш сурадим: «Ҳа, нима бўлди?» «Туринг, бирга чой ичамиз!» Қизим яна менинг барвақтроқ туришимнию, кечаги суҳбатни давом эттиришимизни истаётган экан!

Ишдан уйга қайтаётган Аёл. У менинг касбдошим. У менинг дугона. У менинг опам ё синглим. У — менинг узим. Уйимизга борғач, уй юмушларига чоғланишдан олдин бир зум уйлаб олайлик. Токи, шу кунги режаларимизга «бола тарбияси учун вақт» деган зарур юмушни ҳам киритайлик. Зеро, бу юмуш кундалик майда-чуйда ишларимиз ичида энг қадрлиси, энг суяклисис бўлсин.

ГУЛЧЕХРА

Оланда гап кўп

ИЛОҲА ҚИЗ — КУМАРИ

Непалда уч ёшдан беш ёшгача бўлган қизлар орасида махсус танлов асосида Кумари — тирик илоҳа бўлишига лойиҳа деб танлаб олинади. Асосий шартлардан бири қизнинг танасидан бирор марта ҳам, бирор томчи ҳам қон оқмаган бўлиши керак. Ҳар йили Индра Жарта байрами кунини Кумарининг олдига ҳатто мамлакат қироли ҳам бош эгади ва унинг дуосини олади. Қиз баалоғатга етган, уни «нафақа»га кузатишади ва қайта танлов ўтказилади.

Раҳматилла ДУШАЕВ: Ангрен шаҳар ҳокимлигининг коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи. 1959 йили Тошкент Давлат политехника институти қурилиш факултетини тамомлаган. Дастлаб Ангрендаги қурилиш материаллари заводи дуралгорлик цехида ишчи, мастер, деҳ бошлиғи вазифаларида ишлаган. Кейинчалик шаҳар маиший хизмат курсатиш уйида, ишг заводида раҳбарлик қилган. Ун беш йилдирки, шаҳар ҳокимлигининг коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.

— Раҳматилла ака, Ангрен — Тошкент вилоятининг иқтисодий таянч бўлган шаҳарларидан. Шаҳарда иқтисодий ислохотларнинг бориши, юбилей йилида қўлга киритилган ютуқ ва муаммолар ҳусусида тўхталсангиз.

— Яқинда ҳокимликда бўлиб ўтган йилгинда эришган ютуқларимиз ва халқ ҳужалитини ривожлантиришга тусиқ бўлаётган муаммолар таҳлил қилинди. Сир эмас, бозор иқтисодиёти юзига келтирган мавжуд кийинчиликлар туфайли баъзи ишлар чиқариш корхоналари фаолияти сустлашиб кетди. Табиийки, буларнинг бари ишлаб чиқаришга, энг муҳими шаҳар бюджети аҳолига салбий таъсир қўраётмасдан қолмайди. Йилгинда шаҳар ҳокими Тошпўлат Анорбоев ҳар бир корхона раҳбари мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларга қандай ҳисса қўшаётганини яна бир бор сарҳисоб қилиб, эртанги куннинг истиқболли режалари ҳақида чуқурроқ уйлаб курса, ислохотлар, янгилар-

нишларни виждон иши деб билса ҳар қандай залворли вазифалар муваффақиятли адо этилиши муқаррарлиги ҳақида куйиниб гапирди.

— Раҳматилла ака, Сизни жуда куюнчак одам дейишади. Айтинг-чи нималар кўпроқ ташвишлантиради Сизни?

— Маълумки, утган йили баҳор сал-



ОНА ЮРТИНГ РОЗИ БЎЛСИН АВВАЛО...

қин ва серемгир келди. Қиш бўйи қалин қор билан қопланган Чотқол ва Қурама тоғларига апрелда ҳам бир неча бор қор етди. Шундан кейинги кучли ёмғир эса тоғлардаги қалин қорларни эритиб, ўзи билан бирга дарё ва сойларга, ирмоқларга етаклади. Ана шулар натижасида ҳосил бўлган сувлар узанидан тошиб тоғ ен бағирларида жойлашган Қуктерак, Қорабоғ, Нишбош, Самарчўк каби маҳаллалардаги баъзи хонадонларнинг томоққаларини, йўлларини ювиб кетди, куриқлар бузилди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш қийинлашди. Ха-

вф туғилган кунларда 100та хонадон ҳаёсиз жойларга кучирилди. Шундай тал-бир туфайли аҳолининг ҳаёти, мол-мулк сақланиб қолинди. Лекин шу уринда менинг дилимни ранжитгани шу нарса бўлдики, баъзи ҳамшаҳарларимиз қура-била туриб узанини ўзгартириб кетган дарё ва сойлар урнидан ҳам фойдаланишга интиладилар. Вақти келиб сув яна ўз узани бўйлаб оқиниши ҳаётларига келтирмайдилар. Табиийки, бу ўзбошимчилик қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларга, биз инсонлар, Оллоҳнинг иродаси билан бўладиган табиат қонуниларига қарши иш тутишга

ҳаво ва сув ҳавзаларига бепарволик натижасида табиатимизда бузилиш содир бўлганлиги сир эмас. Шукроналар табиатиники, сунгги йилларда вилоятимиз табиатни муҳофаза қилиш мутасалли ташкилотлари табиатимизни сақлашга муважжалланган талбирлар белгилаб, савобли ишларни амалга оширмоқдалар.

Табиатимиз ҳақида яна бир фикрни айтиб ўтишни лозим деб биламан. 1974—75 йиллар Олмалик, Янгиобод, Оҳангарон, Ангрен корхона ва ташкилотлари тоғларни ўзлаштириб, оромгоҳ, дам олиш муассасалари қура бошлагани танқид қилинганди, Оҳангарон урмон ҳужалиги бошлиғи Георгий Юзбошев эса бунча қарши: табиат инсон учун яратилган, дея жавоб берганди. Шундан сунг қўпгина ташкилотлар унлаб болалар оромгоҳлари, дам олиш масканлари бунёд этилди. Масалан, Андижондаги бронхит ва нафас олиш йўллари касалликларини даволаш маскани Қримнинг Ялтасидан ҳам самаралироқдир.

— Раҳматилла ака, мана яқинда Ангреннинг 50 йиллиги кенг нишонланди. Сиз, шу шаҳарнинг оддий бир фуқароси сифатида унинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

— Она шаҳримиз 50 йилдаки, шунчалик қад ростлаб, юртимизнинг энг забардаст шаҳарлари қаторидан урин олибди-ми, демак, унинг келажаги порлоқ. Ватан бу бизнинг иккинчи онамиз. Биз онамизни қанчалик эъзозлаб, ардоқласак, она — Ватанимизни ҳам шундай севишимиз керак. Чунки инсон аввало ўз онасини, киндик қони тукилган заминини рози қилмоғи лозим. Ана шундагина барча орзулари ижобат бўлади.

Т. ҲАСАНБОВ суҳбатлашди

Тилсимли
дунё

Мехргул уйқудан сесканиб уйғонди-ю, хали кунини ҳам очмасдан синадаги уринни сийпалади. Илҳомжон йўқ. Сахар туриб ишга, рейсига чиқиб кетибди. Етган жойидан қўзилиб қайнонасининг кулбачасига қаради. Хали эрта шеклили, дезазалар қоронғу эди. Урнидан қўрқибгина турди-ю, тунги чирокни кўрди.

«Тавба, нега угай онам тинмай тушларимга кириб, мени чақиради? Тирик чоғида-ку курсам титраб кетардим. Энди эса тушларимда ҳам тинч қўймайди. Эй, худо! Мен унга нима суюлиқ қилувдим. Болалигимни ҳазон қилди. Мехрга ташна мурғак қалбимни армону азобга тулдириди. Энди эса...» У мижжасига келган ешни қўли билан артиб, аста уринга енбошлади. Куз олдида олис болалиги ута бошлади.

Онаси раҳматли оламдан ўтганда Мехргул бир ярим ёшли жажжигина қизалоқ эди. Ушандан то мактаб ёшига етгунча улар отаси билан ёлғиз яшашди. Мактабга чиқадиغان йили қариндошлар қисташдими ёки ёлғизлик қийнадими, отаси унга оғи олиб келди.

Ширингина Мехргул қанчалик қувонганди, ушанда. Бекорга хурсанд бўлган экан. Мушгдескина қалби билан не-не аччиқ аламу ситамларни бошидан кечирди. Бир кун ухлаб қолган қизчасини урнига етказганда, унинг жажжигина мушгчаларидан қотган нон булакларини топиб олган Каримжон ака угай онадан воз кечди.

Мехргул мактабни битириб, ўзи уқиган мактаб кутубхонасида ишлаб бошлади. Кейинчалик сиртдан ўқишга ҳам кирди. Армиядан бўйига-буй қўшилиб Алпомиш келбат йиғитга айланиб қайтган Илҳомжонга турмушга чиқди. Илҳомжон шаҳарлараро қатнайдиغان автобуслардан бирининг ҳайдовчиси бўлиб ишлаб, оиласини тузуккина тебратарди. Ҳаммаси яхши эди-ю, бироқ уч-тўрт ойдан буён Мехргулнинг тинчи йўқолди, тушига олиб кетган угай онаси Гул-

ТУШДАГИ ВОҚЕАЛАР

бодом хола кириб безовта қиларди.

— Юр, мен билан, зерикиб кетяпман, — дермиш у бир кун Мехргулга.

— Бугун сени барибир олиб кетаман, — дермиш яна бир кун.

— Йўқ-йўқ, сиздан қўрқаман. Кетинг, кетинг, — деган Мехргулга қараб тишларини хунук иржайтирар эмиш.

Бугунги тушида эса, Мехргулнинг иккала қўлидан ушлаб, ҳалсеб, очик қабр томонга тортар ва:

— Мана, сениям уйинг битди, юрак-юл, юр, ю-у-у, — дерди.

Ниҳоят, тонг оқариб ҳовли этағидаги товуқхонадан хурозлар қичқира бошлаган, сал енгил тортган Мехргул ҳовлига чиқди. Чой ичиб утиришганда унинг биттаю-битта аммаси Манзура хола бир сабат хусайни узум кутариб келиб қолди.

— Аммажон, сизга бир нарс айтмоқчийдим, — деди ийманибгина, чойдан сўнг кетишга отланган Манзура холага қараб. Мехргул кузида ёши билан неча ойлардан буён кураётган тушларини аммасига сузлаб берди.

Амма эса ҳайратдан кузларини катта-катта очганича Мехргулнинг сузларини диққат билан тинглаган, деди:

— Қани, менга озроқ пахта, чўп, кумир келтиргин-чи!

Манзура хола алақандай дуоларни уқиб, қўлидаги чўпдан қутирчоқ ясади. Унга бош, қўл, оёқ қора кумир билан қош-қуз ясади. Ва Мехргулни етказганча қиплоқ четидаги қабристонга олиб жўнади.

Улкан чинорлар соясидаги қабристонга етиб келишган, раҳматли Гулбодом хола дафн этилган қабрини топиб, утириб дуойи-фотиҳа уқитди. Кейин эса...

Манзура хола ҳалиги «пахта» қутирчоқни қабрининг чап томонига кумиб қўйиб гапира бошлади:

— Айланай Гулбодом, илоҳим жойингиз жаннатда бўлсин. Мана, Мехргулни

олиб келдим. Энди уни тинч қўйинг, инсофингиз борми ахир, уни чақиравериб нима қиласиз? Болаларини қандай кузи қийиб ташлаб келади, сизнинг олдингизига? Сизнинг жабрингиздан эзилгани етмаганимди. Энди қўйинг, тинчгина яшасин-да, ахир уям. Мана олиб келдим, уни номи Мехргул, бугундан бошлаб сиз билан ётади. Ниятингизга етдингиз, бошқа тирикларни безовта қилманг. Руҳингиз тинч бўлсин.

Манзура хола яна бир бор Қўрьон тиловат қилди-да, Мехргул билан қабристондан чиқиб кетишди.

Оралдан анча вақт ўтиб Мехргулни қўрдим.

— Мехргул, шу қабристонга қилган амалингиздан кейин ҳам, угай онангиз тушингизга кирдими? — деб сурадим.

— Йўга, шундан буён кунлим ҳам, уйкум ҳам тинч, худога шукур. Кузимга ҳар балолар қуринмай қўйди, яхшиям аммамага айтганим, бўлмаса...

Тавба, делми мен ҳам. Манзура хола, эҳтимол, шу йўл билан Мехргулнинг руҳиятига таъсир қила олгандир? Ким билади?

Яқинда йўлда бир дугонанинг кескагина онасини қуриб қолдим. Касалхонага овқат олиб кетаётган экан. Билсам, уша дугонам руҳий касалликлар диспансерига тушиб қолибди. Унинг туртга фарзанди бор эди. Камширнинг айтишича, қизи вос-вос бўлиб қолганимми. Ҳатто, уйда кимдир тўсатдан гапириб юборса ҳам қўрқиб кетармиш. Духтирга олиб боришса, касали оғир деб шаҳарлагли

СПИД ВА ХАЙРИЯ

АҚШлик машҳур баскетболчи Мейжек Жонсон СПИД балосига йулиққанини билгач, боши билан хайрия тадбирларига шўнгиди. У хасталикка чалинган қора танли америкаликларни даволаш учун 60 миллион доллар ажратди. Негрлар яшайдиган мавзеда 12 та кинозали бўлган маданий марказ қурдирди, эски бир черковни таъмирлаш учун 5 миллион доллар сарфлади. Мейжик шу йўл билан билиб-билмай қилган гуноҳларидан фориғ бўлиш ниятида бўлса, ажабмас.

Оламда гап кўп

уша руҳий касалликлар диспансерига йўлланма беришибди.

Ким билади, уша ерда қанча ётади? Балки у ёқдаги касалларни қуриб, касалига яна касал қўшиллар, баттар ваҳима-чи бўлиб қолар?

Аммо, назаримда, уни руҳан тинч-лантириш учун, эҳтимол, Манзура амага ухшаш илму-амалларни қўлаши керакмиди?

Мехргул ҳам духтирга бориши, улар езиб берган дориларни ичиши ёки касалхонага етиши мумкин эди-да.

Мақолани ёзиш асосида аждолларимизнинг ҳеч қайси дарсликларда ёзилмаган баъзи урф-одатлари эсимга келади. Қадимий қоҳилар, шаманларнинг киши руҳига таъсир қилиш ўйун қўллаган амалларини беихтиёр қўз олдимга келтираман.

Аллома юрдошимиз, табибу-ҳозик бўлмиш Абу Али ибн Сино ҳам ўз муолажаларида, аввало, беморни руҳан тинчлантириб ўзига илпонч пайдо қилиш ҳақида сузламаганим, ахир?

Буни қандай қабул қилиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ, менга эса аждолларимизнинг илму-амалларида қандайдир илоҳий куч бордек туюлади.

Басира САЙИД АЛИ

Малоҳатли тонгларинг муборак бўлсин!

Субҳи содиқни уйғотиб, тинчлик, хотиржамликка, ризқ-рузга Хизр пойқадамга эшик очган келинчак!

Момоларимиз айтишларича, келин тушган хонадон остонасига фаришта-лар унинг тилакларига маҳтал, ҳозир у нозир тураркан. Покиза, покдамон

ёруғ хонадоннинг дарвозасидан ҳатто шайтонлар ҳам хатлашга журъат қилмасмиш. Шунинг учун момоларимиз шарқона удумларимизга кура янги келинчакни субҳи сахар эшик очишибга, озодалиги, саришталигига қараб, эҳтиром қилганлар.

Қизгинам, атрофингга

бир боқ. Сени бир навниҳолдай, гулдай эъзозлаб, меҳр билан утқизишган бир боққа азиз бўлган минг йиллик чинорлар, азим дарахтлар, навқирон тераклар бор. Бевақт эсган шамоллардан асрагувчи, соябон бўлгувчи, яхши ёмон кунларингда қайишгувчи отанг, онанг, синглинг, оғаларинг бор. Умр йўлдошингни эъзозлаган, эҳтиром қилгилки, бу боғдаги ҳар битта чечак сенга таъзимда турсин! Уйламай айтган икки оғиз сузингдан бу боғларнинг вужуди, бутун танаси зирқирамасин. Қаҳр қиличинг билан узинг утирган шохни узинг қўлатмагин.

Қайнонанг феъли билан келишмоққа, торозусида тортилмоққа мезон бул. Бу уйинг об-ҳавоси унинг иқлими бир нафас олур, буни унутмагин. Шунда қайнонанг сени қафтида тутур.

Эсимдан чиқмайди. Ёш келинчаклик кунларим...

Қайнонам раҳматлик жаннати аёл эдилар, икки гапининг бирида «болажоним» деб алқардилар.

Бир кун қайнотам: (охиратлари обод бўлсин) — Кечга ялма қилмайсизми, қизим, деб қолдилар. Нима қилишимни билмай қолдим. Ростини айтсам, шунақа таом борлигини биринчи эшитишим. Секингина «хўп» дедим узимнинг укувсизимдан хурлигим келди. Уйлаб-уйлаб охири ток тағидаги сурида қурпа қавиб утирган қайнонамнинг олдиларига келдим.

— Буви, дадам кечга ялма буюрдилар, уннай берайми, — дедим минг истеҳлола билан. У кишининг синчқовликлари, нозик фаҳмликларига ушанда қойил қолганман. Қайнонам аламдан, уятдан халқаланиб, турган кузларимга бир қур нигоҳ ташладилару дарҳол ишларини қўйиб, суридан тушаётиб, мени аябми ёлғондаками-

гами отамга сузландилар:

— Вой, отаси тушмагур-а, қаёқдаги алимсоқдан қолган овқатларни кунгли тусабоқлади-я. Бу отангиз овқатга жуда инжиқлар, иккаламиз уринмасак, кечга қоламиз. Сиз, болажоним, омбордан бир коса бугдой олиб чиқа тузинг, мен ҳозир бораман, — дедилар.

Тозаланган бугдойни оловни суст қилиб, қуригунча қовурдилар, сунг келичада туйиб, тайёрланган сувли қайлага солдилар. Шундай ширин, маззали овқат бўлдики, ҳалигача таъми оғзимдан кетмайди. Шу-шу бўлиб, қайнотам ёрма, куча, шурва, чавати, юлқани, турмуш уртоғим қизариб пишган ширмой нон, қуқатли таомларни хуш қуришларини фаҳмлаб олдим.

Энаҳон СИДДИҚОВА

Келинчакка
мактублар

Икки қаватли бино булгани учун, мен ишлайдиган устакхона кишлоқнинг у бошидан ҳам қуришиб турар, аммо бу ерга мижозлар кам қадам-ранжида этишарди. Чунки биз уйдаги тикувчилардан қимматроқ тикамиз, боғчалар учун чойшабми, оқ халат ёки болалар ич кийимими, букюртма тушса, бекор утирмаймиз. Чеварлар ун чоғли бўлиб, уларнинг аксарияти оилали, икки-уч фарзанд қурган аёллар эди. Мени, яъни турмушга чиқиб, бахтидан тинчман бир жувонни улар боши очик деб билишганидан доимо қимматли узаётганини мулжаллашар, буни яширмасдилар. Истасам ҳам, истамасам ҳам, мен уларнинг тапшии маъқуллашга, уз жуфтимиға эға бўлишим лозимлигини этироф этишга мажбур эдим.

Икки-уч кундан бери устакхонамизда уралашиб қолган йигитчанинг қимлиги, насл-насаби, ҳатто қалб кечин-малари-ю ҳулқ-атвори ҳам мени неғадир қизиқтириб қолди. Дилимда уйғонган оний хайрихоҳликнинг сабабини нимага йўйишни билмайман. Ҳар қалай мен эр қурган жувонман, у эса ҳали уйланмаган йигит, бунга имоним қомил. Унинг ёши ҳам меникидан катта эмас, нари борса йигирмадан энди ошган. Номаълум йигитга нисбатан қалбимда кун сайин ниш ураётган туйғуни не деб аташ мумкин? Севғими бу, ё шунчаки мойиллигим? Ҳар икки фикрни миямдан буткул чиқариб ташлашим керак, уят бўлади-я, эшитган қўлоққа ҳам қўйили. Уни узимга тутинган уқа қилишим мумкин, холос, фақат у ҳам шуни хоҳласа.

Устакхонанинг эшигини тақиллатиб очарканман, дароз гавдали, қишин-езин бошидан душпи тушмайдиган Нурлибой устанинг ёнида серрайиб турган новча йигитга қузим тушиб, юрагим неғадир ҳаққариб кетди. Унга мундоқ разм солишга ҳаё йўл бермади, ниғоҳини четга бурдим. Лекин юрак қўруғнинг безовталиги шу даражада эдики, куз қирим, қўлоқларим диққатга айланган, унинг ҳаракатлари-ю айтжақ сузларини тарози-га солиб қуришга тайер турардим. У менга галати қараб қўйди, афтидан нимадир демоқчи бўлди.

— Уста ака, машинами қуриб берсангиз! — дедим мен Нурлибой устага юзланарканман.

Ошпоқ ва силлиқ юзли, катта-катта қушлари маънога тулик йигитчанинг менга-шунчаки бир бепасандлик билан боқиши, қизиқ, менда гайир муносабат уйғонишига сабабчи бўла бошладди: «Уни узимга қаратиб олмасам, юрган эканман!». Назаримда, у қизларнинг узига тез шайдо бўлиб қўлишларидан гурулланар, қачондир бошига қўнажак бахт қўшининг энг мукамалини ахтариб яшаётгандек эди.

Мен ички бир кучга бўйсунмасдан, эшикни оҳиста итарарканман, Нурлибой устанинг «Сен қуриб бера қол» деганини эшитдим. У менга зимдан назар ташлаётганини сезиб қолдим, очикроғи, шу тобда унда узимга нисбатан қизиқилишнинг белгилари ногаҳон пайдо бўлаётгандек қўнғим кутарилди. Ёки шундай туюлдимикан, ҳар қалай, бутун вужудим ана шу ниғоҳ таъсирида оловланиб, жисимим ҳам, руҳим ҳам ел-енгил бўлиб қолди.

Иккинчи қаватда эса дастоҳлар тинимсиз гириллар, вақтдан ютқазишни истаган чеварлар бичигили кийимларни эпчиллик билан чоклашар, тахлам-тахлам ҳолда қўшни хона-

га элтишарди.

Менинг эса қўлим ишга бормаётир, боз устига дастгоҳим носоз. Хаёлимни яна у банд этиб олди. Дераза тарафга утдим. «Истараси мунча иссиқ экан». Балогат ёшига етган қизлар узларига жуфт танлашлари табиий ҳол, аммо пешонаси ярқирамаган бир бева аёлнинг бунга ҳаққи борми, йўқми билолмайман. Бир марта оғзим қуйгани учун, эндигисиға юрагим безиллайди. Аммо турмушдаги абадий жуфтлик тушунчаси бу иқдорлик олдида ҳеч нарса эмас. Барибир, менга жуфт керак, тоқ утмоқликдан худо асрасин! Уз қисмати учун менчалик қуюнган жувон бормикан? Узимни хафа қилгим келмапти, у билан қай тариха яқинроқдан танилишим мумкин, уйим шу бўлиб қолди. Руҳимдаги бу тўлқоннинг азобидан дол деб юборгим келарди.

— Вой қуриб кетсин, нинаси синиб тушиди. — Аширой опа шундай дедида, оёғини қўлига олиб, пастки қаватга уста қақиргани халлослаб кетди. Хаёл у т -



Ҳикоя

май, Аширой опа ҳалиги йигитчани бошлаб келди. Мен эса... унинг ниғоҳларига дуч келишдан уялаяман. Аширой опа билан ёнма-ён утирганим учунми, ҳали замон уларнинг ёнига тушиб чиққаним учунми, шунчаки бир қараб қўйди.

— Бизга ишга келибди! — деди Аширой опа изоҳ берган каби уни дастгоҳи ёнига бошлар экан.

Уста Аширой опанинг машинаси атрофида қуймаланар, менга эса ётибор ҳам бермасди. У дастгоҳ нинасини бўшатиб, бошқасини қўйди, қийқичани тикиб қуракчан, гириллаб ишлаб кетди. Аширой опа уни алқай-алқай жойига қўқди. Йигитнинг юзига самимий табассум ёйилди, бу ҳол унинг ниманидир сўйлашга чоғлангандек боқувчи теран қушларига бағоят ярашиқли эди. У сўзсиз бош иргаб қўйди ва шундан сунггина мен томонига утирилди. Машинами атайлаб бузганим учун, уни ёнимга чорлашга журъат етолмадим.

— Сента ухшаб жа-а камгап эканми? — деди илмоқдор оҳангта Аширой опа. — Таништириб қўяйми, Гулдона?

У менинг қалб торимни билдирмасдан чертиб кетганини Аширой опа ички бир идрок билан илган эди. Аммо мен сирим ошкор бўлишини, узим ҳақимда турли миш-мишлар тарқалишини истамасдим. Очигини айтганда, бир марта бошги деворга урилган бахтиқор жувоннинг унга нима кераги ҳам бор? Нетайки, қўқсимда тухтовсиз уриб турган бир парча эт узимга бўйсунмайди. Иккинчи марта тақдир уйинининг қурбонига айланмаслигим керак. Қўнғим унга қўл сайин вобаста бўлиб бораётир. У каби баркамол, ҳушбичим йигитларни қизлар севиб қолаверишади. Мен уни узим билмаган ва танимаган қизлардан ҳам қизғана бошладим. Бу аҳмоқона ҳолат, тугрими? Аслида бундан

ҳам қутулишим керак, бироқ бунинг улдасидан чиқолмаслигимни ҳам билмаман.

Кишини баъзан шайтон васвасага солади дейишади, бунга қўпам ишонмасдим. Аммо бу рост экан. Мен дастгоҳим тез-тез бузилиб қолишини истардим, уни ёнимга чорлаб, созлаш баҳонасида дийдорига тўйгим, суҳбатини олгим келарди. Бу бир мойиллигим, ишқ утида уртанишим, билмайман. Ойдайин тулишган, чарос қушларидан сурма аримайдиган Жамила ҳам унинг бир қисе боқишига зор эканини сеза бошладим. Мен унинг Жамилани ёқтириб қолишини сира-сира истамайман. У билан орамизда Лайли-Мажнун сингари севиғининг бирор кечмиши рўй бергани йўқ, ҳаттоки мендаги саросарликдан беҳабар бўлса-да, дилимда бир хитоб янгарди: Наҳотки, севиб қолдим? Ахир у буйдоқ йигит-ку, эр қурган аёлини бошига уралдими? Эҳтимол, бизнинг ёшларимиз орасидаги фарқ унча катта эмасдир, аммо бир очилиб сўлган гулни ҳиллаш-

сийлаб утди. Жаҳонгир энгашиб, машинани қовлаштиради, гарчанд ҳожати бўлмаса ҳам, қиз унинг атрофида парвона эди.

Мен уларга қарамасликка узимни мажбур қилдим. Шундай бўлгани маъқул. Бироқ бутун диққат-этиборим уларда бўлиб, чокларим теп-те-кис, равон чиқмасди. Бунақада тик-канларимни қайтадан сукишимга тугри келади. Беихтиёр Жамила томонга ниғоҳимни ташладим. У гул-гул яшнаб, кийим чокламоқда эди. Уста йигит эса равона бўлди. Кенг хонага ситмай қолдим, уз ишлари билан овора чеварлар мени қизиқтирмасди, зеро уларнинг мени таъқиб этишга ҳам ҳақлари йўқ. Қай тарзда пастки қаватга тушганимни сиз тасаввур қилолмайсиз. Усталаб утирадиган эшик тирқишидан мўраладим. Юрагим дук-дук урар, гуёки танам қаттиқ тебранаётганга ўхшарди. На эшик тақиллашга, на очишга ботинолдим. Тирқишдан ҳеч нарсани қуриб бўлмасди. Шу пайт туйқусдан эшик очилди-ю, узимни чаққонлик билан девор томонга олдим, худди эшик томон юраётган одам қисфасига кирдим. Ҳайриятки, узимни тортиб қолишга улгурганим, ақс ҳолда пешонам гулла бўлиб, шишиб чиқиши аниқ эди. Эшикни очган Жаҳонгир эди, унинг тикка сочлари ёғ сурилгандек ялтираб турар, майин жилмайиши кишининг руҳини кутарарди. Унга тик қаролмадим, нега келганим ҳам эсимдан чиқди. Бу қандай ҳолки, ички бир амрга бўйсуниб урнига оёқларим қилишиб, қаёққа кетаётганимни ҳам билмасдим. Ваҳоланки, мен Жаҳонгирни гапга солмоқчи, танишмоқчи эдим, унинг салобати босди, йўлак алоғига етиб қолган эканман. Эшикка суяниб, мендан ниғоҳини узмай турган Жаҳонгирга қузим тушди-ю, боғия истагим алангалиниб, қувончдан қушларим порлаб кетди. Йигит бошини сўзсиз иргадди, менинг нимага келганимни суриштиришини кута бошладим. Аммо у сузлаш урнига иккала қўли билан ҳавода менга тушунарсиз шаклар ясаб, фикрини уқдиришга уринарди. Мен ҳайратдан қотиб қолган эдим. Бу ҳақиқатни рад этишга ёки ишонмасликка ҳожижман. Демак, у сузлаш бахтидан маҳрум экан-да. Ё алҳазар, ҳаётнинг бешафқатлигини қаранг, буй-баста шунчалар келишган қўйдирамжон йигит гўнл бўла!?

— Машинам бузилиб қолувди, шуни... — дедим ниҳоят тилим қалимага айланиб.

Жаҳонгир яна имо-ишора қилди. Унинг имо-ишоралари шунчалик тез эдики, мен анқайиб қолгандим. У, мени афтидан тушунди, деб ўйлادی. Мен эса гуёки ерга михлангандек қотиб турар, муъжиза рўй бериб, унинг сузлаб юборишига узимни узим ишонтиргим келарди.

Йигит беихтиёр менга эргашди. Биз иккинчи қаватга кутарилидик. Табво, оёқларим узимга бўйсунмайди. Нималар бўлапти менга? Қийноқнинг ниҳояси борми?

— Сизга жуда раҳмим келади, укажон!

У эшитишдан маҳрум эканлигини билсам-да, қалбимдаги галасини ана шу жумлага жамлашга муваффақ бўлдим. Йигитнинг ниғоҳларидаги соддалик аралаш саросималик мени сергақ тортирди. Нимагадир тараддудландим...

Уни машиналар галма-гал гириллаётган хонага бошлаб кирдим. Йигит мендан аввал ичкарига ҳатлади...

Ҳулкар ТҶИМАНОВА

ТЎППОНЧА ОТИЛМАЙ ҚОЛДИ

Истараси иссиқ, адл қоматли, ор-
гандаги 40 йиллик меҳнат муҳри соч-
ларига оқ, қўзларига қатъият бўлиб
инган ҳурматли мўйсафид умрининг
шиддатли, қувончдан қўра ташвиш-
ларга тўла кўнларини икки соатлик
суҳбат давомида илғай олдим-
кин? Суҳбат асноси қалам шошган-
дан-шошди, баъзи воқеалар поёнига
еткунча айримлари эсдан чиқди, ичим-
да «қани диктофон бўлса-ю, мазза
қилиб ёзсанг», деган орзу яна «йилт»
эди.

Тўйга айланган кун

Ушанда Хусанбек 17 ёшда эди.
1943 йил. Она-Ватан озодлиги учун
жанглар борарди. Кўпга келган тўй
экан. Хасан-Хусанларни ҳам уруш уз
гирдобига тортди. Бундан роппа-роса
53 йил муқаддам 1943 йилнинг 9
февралда Хусанбек фронтга кетди.

1-Белоруссия fronti, 9-танк кор-
пусининг 216-артиллерия полки. Ху-
санбек маълум тайёргарликдан сўнг
алоқачиликни ўрганган эди. Йўқ, у
ертулаларда ёнги иссиққина хона-
ларда туриб телефон қуриқламас, бал-
ки дарахтма-дарахт юриб, багрини
ерга бериб эмаклаб, алоқа симларини
тортарди. Бомбалар даҳшатли порт-
лаб, снарядлар чийиллаган, ўқлар ви-
зиллаб ўтган ҳаёт-мамонт жангарида
алоқачилик ҳам чапдастлик, довью-
раклик, маҳорат талаб қиларди.

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин,
деганларидек фронт, жанг тафсилот-
ларига тўхталиб ўтирмайди. Совет
армияси қўшинлари қарши ҳужумга
утиб, Полша чегараларига яқинлашиб
қолган эди. Бобруйск шаҳрида Хусан-
бек яраланиб, госпиталга тушади. Го-
мел, Саратов, Ершов шаҳарларидаги
госпиталларда узоқ даволангач, уни
вақтинча ноғиронликка чиқаришди.

— Урушда ҳам бирон-бир кўнгилини
ийдирадиган воқеалар бўлармиди?

— Албатта. Ғалаба қозониб, бирор
қишлоқними, шаҳарними озод қил-

гандан кейинги суёнишларимизни
курсангиз... Қўзларида ёш, фарёдлар
билан бағримизга отилган узимизни-
килар, фашистларни улоқтириб таш-
лаганимиздан кейин гузаллиги кашф
этилгандай туюлувчи бепоён қайин-
зор ўрмонлар, ҳудудсиз Рус кенглик-
лари, озодлик уйғотаётган вайрона
қишлоқлар халоскорлигинга тасан-
но айтаётгандай туюларди. Ҳа, уруш-
нинг ҳам қувончли кунлари бор эди,
қизим.

— Кейин Сизни ноғиронликка чиқа-
риб, юртимизга қайтаришди...

— Поездда келяпмиз, вагон тўла
ярадорлар. Рус, украин, ўзбек, қozoқ,
қирғиз, қўйинги, ҳамма-ҳамманинг
юрагида бир илтижо: фронт ичкари-
сига тезроқ утиб олсак, фашист само-
лётлари бомбардимон қилиб қолмаса
бас. Шу пайт поезднинг шиддатли
тақа-туқи аралаш бомбардимончи «қўз-
гун»ларнинг ваҳшатли чинқириги эпи-
тилмасинми!!! Одам боласи бошида
ажал шамшири селпийтганини ҳис
этганда уз-узидан Яратганга тавалло
қилиб қоларкан. Илтижоларимиз эт-
ди, шекилли, бомбалар темир йўлдан
нарида портлади.

Горчаковда поезддан тушганимда
қўшни болалардан бирови курган экан.
Уша йиллари ипак комбинати шаҳар-
часи орқали Тошлоққа темир йўл
утгувчи эди. Таниш кучалардан аста
кетдим. Бораманки, эшигимиз олди-
да онам, сингилларим туришибди.
Уша кун онажоним раҳматли учун
тўйга айланиб кетган эди.

Ҳаққи дегил бошга қилич келганда ҳам

Урушдан кейинги йилларда Ҳожи
ака Мубораков Тошлоқ райони про-
курори эди. У киши Хусанбекни иш-
га чақириб, узига секретар қилиб
олди. Шу тариқа Хусанбек Абсаров
бу соҳа томон илк қадамларни қўйди.
Вилоят ички ишлар бошқармаси, ви-
лоят прокуратураси, вилоят суди-тер-
говчи, тергов бўлими
бошлиғи, Задаре район
прокурори, Марғилон
шаҳар прокурори, ви-
лоят судида раис муови-
ни...

Прокурор Абсаров оч
қорним, тинч қулогим
нақлига амал қилиб
яшарди. Ҳатто Тошкент-
дан, атдан-батдан кела-
диган комиссиялар ҳам
унинг бу феълени били-
шарди. Беш қўл баравар
эмас, прокурор попути-
ни пасайтириб қўйган,
нафсага қўл берган баъзи-

лар устидан юмалоқ хатлар ёзиб ҳам
қуришди. Ушанда у Қўқон шаҳар
прокурори эди.

— Обком партиядан комиссия, у-
тингиздан шикоят тушган.

— Марҳамат, қандай хоҳласанглар
шундай текшираверинглар, менга ҳеч
ким утказиб қўйган жойи йўқ, —
узига хос босиқлик билан деди у.
«Қандай ғаламис одамларки, уларни-
нг дастидан уйингга икки дона шкаф
ололмасанг, кредитга олганимни би-
лишмаса ҳам майли эди!», ички ға-
лаёнини босишга интилди прокурор.
Қуруқ тўхматдан ёмони борми? Узи-
ннинг ҳақлигини сезсанг ҳам ич-
этингни еб буласан, текширув поени-
га етгунча, асаблар қақшайди.

Сени умринг эрта тонгдан то тун
ярмигача шу идорада ўтишини, кези
келганда стулларни узун қилиб териб,
шу ерда тунаб қолишингни четдаги-
лардан қўра яхшироқ биладиганлар —
уз одамларининг бўҳтончилиги
юракни тилкалайди.

— «Юмалоқ хат тасдиғини топма-
ди», — деган комиссия хулосаси юрак
отриқларига қошқи даво беролса!

— Тергов бўлими бошлиғи, проку-
рор сифатида юзлаб қотиллик билан
боғлиқ жиноятларни очгансиз, жи-
ноятчиларга жазо бергансиз. Сизга
суиқасд қилишганми?

— Телефондаги, почтадан келган
таҳдидларни-ку, санаги йўқ. «Сени
устингдан улим ҳукми чиқарилган.
ҳукм шу кунларда ижро этилади»... ва
шунга ухшаш. Лекин бир воқеа ҳануз
қўз олдимда. Алишер Навоий кино-
театри билан паркни боғловчи йўлак-
дан икки киши ҳамроҳлигида кетар-
дим. Кимдир қаттиқ туртиб ўтди-да,
беш-олти қадам шитоб юргач, тўхта-
ди. Қўлидаги пистолетни менга тур-
рилаб тепкини босди. Вужудимни
муздек тер босди. Худо асради шекил-
ли, нотаниш рус йигит тепкини бос-
сада, ўқ отилмасди. «Осечка» бўлиб
қолган экан, кейин курсак. Шу асно-
да ўқовимиз унга ташландик, ўқ
ҳавога отилди.

— Жиноятчиларга ўлим ҳукмини
ўқиганда ҳеч афсус қилганмисиз?

— Ҳеч қачон! Шундай жиноятчи-
лар бор эдики, иши билан танишгач
ухлолмай-чиқардим, қаҳр-ғазаб ортса
ортардики, раҳмим келмасди.

— Оилангиз ҳақида бир чимдим.

— Рафиқам Римма Петровна билан
Шухратжон, Лариса, Зумрадхонлар-
ни вояга етказиб, одамларга қўшдик.
Лариса изимдан кетди, бўлим проку-
рори. Набиралар шукрини қилиб, қа-
ноат топиб яшашамиз.

Ҳамсуҳбат — журналист:
Маҳфуза УСМОНОВА

Ибратли кишилар



ЭРАМИЗДАН МИНГ ЙИЛЛАР АВВАЛ

Ким ҳам муз қаймоқни ёқтир-
майди, дейсиз. Айниқса, ёзининг ис-
сиқ қунида у жоннинг роҳати. Ана
шу ҳаммамиз севиб ялайдиган муз-
қаймоқнинг асл ватани Хитой экан.
Тарихий манбалардан маълум бўли-
шича, эрамыздан минг йиллар аввал
ҳам Хитойда музқаймоқ тайёрлашни
билишган. Маишхур денгизчи Марко
Поло Шарққа саёҳати давомида уни
тайёрлаш синини ўрганиб Европада
келтирган.

ТУФИЛДИМУ ШУ ОН БЎФИЛДИМ

Англиянинг Бирмингем универси-
тети тиббиётчи олимларининг тадқи-
қотларидан маълум бўлишича, сига-
рета чекиш эркакларнинг насл суви-
га зарарли таъсир этар экан. Оқибат-
да улардан дунёга келадиган болалар-
нинг 15 фоизи саратон (рак) касалига
чалиниб, балоғатга етмай ўлиб кетар
экан. Чекилган сигарет қанча кўп
бўлса, зарари ҳам шунча кўп бўлар-
кан.

ЁЗУВЧИНИ ДУЭЛГА ЧАҚИРДИ

Франция суд ижрочилари конфе-
дерациясининг президенти Антуан
Франсуа Донсимони таниқли ёзувчи
Жан Эдлен Алийени янги романида ўз
шахсиятига тегадиган гапларни ёзиш-
да айблаб дуэлга чақирди. Гап ёзувчи-
нинг «Зулм ҳокимияти» асари ҳақида
бораяпти. Адиб бу асарда марҳум
президент Миттеран ва унинг гумаш-
таларини, жумладан Донсимонини
ҳукуматга номаъқул кишиларни, ху-
сусан узини таъқиб қилганликда айб-
лаган. Алийе қўли қилгич эмас, қалам
ўшлашга даъват этилганлигини айти-
б, дуэлдан бош тортди.

«ДАМ ОЛИШГА ЙЎЛАНМА»

Свердлов вилоятининг Первоура-
лск шаҳрида истиқомат қилувчи эр-
хотин олтирлар суд ҳукми билан ик-
ки йилга қамалди. Улар 1000 рубллик
қогоз пулга иккита нолни олиб, юз
минг рубл «ясанди» ва бозорда
қўзи ожиз чошдан шу пулга нарсаси
сотиб олишди. Яхшиям яхшилар боз-
ор экан. Улар чошнинг «қўзини очил-
ди», у ўз навбатида милицияга хабар
берди. Қаллоблар узоққа қочиб бо-
ришолмади, уларга «дам олишга йўл-
ланма» берилди.

БАРИ РЕКЛАМА ВОСИТАСИ

Вилнюсдаги «Нактинис вилкас»
дам олиш марказига келганлар со-
биқ Шурулар тузуми давридан қол-
ган, коммунистик мафкурага хизмат
қилган кўплаб буюмларни қўриш-
лари мумкин. Улар орасида Ленин ва
ундан кейинги Бош қотибларнинг
асарлари, «Правда» газетаси тах-
ламлари, нишонлар, плакатлар бор.
Буларнинг бари шунчаки рекламага хиз-
мат қилади, холос. Ҳамма гап шу
ердаги кафега кўпроқ ҳурандалар жа-
лб этишди.

Хорижий матбуот хабарлари
асосида тайёрланди



«Оила ва жамият» газетаси реклама фаолияти билан шуғullanувчи агентликларни, реклама агентларини Янги йилда ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди. Бизда:

- реклама баҳоси бир сантиметр квадрат учун 30 сум;
- ярим саҳифалик реклама учун 10 фоиз, бир саҳифалик реклама учун эса 20 фоиз чегирма бер;
- реклама агентлари реклама баҳосининг 25 фоизигача миқдорда рағбатлантирилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй, 609-хона.

Телефонлар: 36-56-52, 34-86-91, 33-28-20

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз газетхонлар!

— Агар турли мавзулардаги қизиқарли мақолаларни ўқишни; — оламда юз бераётган ажабтовур ҳангомалардан хабардор бўлишни;

— бўш вақтингизда ҳажвия, хандалар ўқиб, бошқотирма ва шохмот масалаларини ҳал этиб, мириқиб дам олишни истасангиз;

— умуман, бир сирдош ҳамсуҳбатга эҳтиёж сезсангиз

«Оила ва жамият»га обуна бўлинг!

Агар Сиз 12 февралгача обунани расмийлаштирсангиз, март ойидан газетани ола бошлайсиз.

Обуна индекси:

якка обуначилар учун - 64654

корхоналар учун - 64653

РЎЗА—АҚЛНИНГ ЧАРХИ

Саломатлик сирлари

Тошкент шаҳар Юридик коллежи томонидан АЛИҚУЛОВ Ҳусниддин Маликовичга 1995 йилда берилган №096534 рақамли диплом йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Пайғамбаримиз шундай деб марҳамат қилганлар: «Руза тунглар, саломат буласиз».

Дарҳақиқат, олим ва уламолар таъкидлашчи, вужуд бир ой давомида тубдан ўзгарган бир таъминот тартибига мослашади ва хасталикка қарши кураш қобилияти ортади.

Очлик танага дам бериб, соғломлашиш жараёнини бошлаш учун қулай шароит яратеди.

Парҳез ошқозон, жигар, буйрак, умуман тананинг барча аъзолари фаолиятини яхшилаб, ақлий қобилиятни оши-

ради.

Инсон танаси мавжуд машиналар ичида энг мукаммалидир. Унинг уз-узини таъмирлаш устахонаси бўлиб, старли шароит яратиб берсангиз, беками куст ишлайди.

Текширишлар шуни кўрсатадики, купчилик туйиб овқат ёйиш кўрбони бўлишади.

Ҳафтада 24 соат парҳез сақлаш танада тупланиб қолган шиллиқдан халос этади.

Таомларнинг ҳаммаси шиллиқ ҳосил қилади. Чунки куп-

чилик овқатлар догланган ёрда қовурилади, қовурилган таом эса шиллиқ пайдо бўлишига замин яратади. Сут маҳсулотлари, ёғ, мой ҳам шиллиқ ажратилишини таъминлайди.

Парҳез (очлик) қон томирларини тозалаб, юракни қон билан таъминлайди. Қон томирлари фаолиятини яхшилаш юрак умрини узайтиради.

Агар иродали бўлсангиз парҳезни турмуш тарзингизнинг узвий бир қисмига айлантиринг. Ортиқча оғирлик танангизни касал, ланж қилиб бевақт қаритишига йўл қуйманг.

Руза ойи ҳар йили сурилиши инсон организмнинг ҳар фасл шароитига мослашувига имкон яратади.

Пол Брэгг: «Қарилдаги

мустаҳкам соғлиқнинг манбаи бу аъзолар ва қалбнинг покляниши бўлиб, улар қуйидагилар туфайлидир: оч қолиш, тоза ҳаво, жисмоний машқлар ва ором олиш. Оч қолиш организмни хилтлардан (токсинлардан) фориғ қилади. Бугимлар ҳаракатини осонлаштиради, умуртқа поғонасида туз йиғилишига барҳам беради», — деган эди.

Руза—ақлнинг чархидир. Бунни Расулulloҳ: «Қимки қорни очса, фикри кенгайиб, кунгли равшанлашади», деб баён қилган бўлсалар, Луқмон Ҳаким эса утлига «Қорин туйса, фикрни мудроқ босади, ҳикмат утмаслашади, жисм ибодатга сустлашади», — деган эдилар.

Рузада кечаси овқатга туйиб олмаслик, сахарликда ҳам ортиқча емаслик лозим. Кучли овқатларни истеймол қилиш инсонга фақат зарар келтиради.

Очлик туфайли бутун тана дам олади, ҳазм қилиш аъзолари фаолияти яхшиланади.

Очликдан сўнг дарҳол гушт, сут, пишлок, ёғ, балик, ёнғок, данакларни истеймол қилманг. Биринчи таомингиз (сувдан сўнг) тўғралган сабзавот бўлсин.

Инсон учун бир кунга қанча туз керак? Олимларнинг фикрича 0,5 — 1 грамм. Туз овқат эмас, у организмда ҳазм ҳам бўлмайди. Қолбуки, куп халқлар умуман туз истеймол қилмайди.

Ҳакимларнинг шаҳодат беришича, дунёда энг куп туз истеймол қиладиган японлар асосан қон босими ошиб кетиш касалидан азоб чекишар экан.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Мирзо Улугбек тумани қуриқлаш бўлими рота сардори, милиция майори **Бектемир КУЙЛИЕВ!**

Сизни 40 баҳорингиз билан чин қалбимиздан самимий қўтлаймиз.

Одил, Дилбар, Тиловат, Гулноза, Элёр.



20 баҳорингиз муборак бўлсин азизим **ШАХЛООЙ!**

Доимо шодон юртин. Сенга Оллоҳдан бахт, соғлиқ тилаб, қолувчи

Дилшодбек.

ШАРИФАХОН!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга бахт, ўқиш ва ишларингизда омад тилаб,

Филологлар



ЗИЁДУЛЛА!

Тугилган кунингиз билан чин қалбдан табриклаймиз.

Узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.

Синфдошларингиз ва Шухратжон

Азиз ва мўътабар онажонимиз Дилором САИДОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Бахтимизга ҳаммаша соғ-омон бўлинг. Мехнаткаш қўлларингиз дард кўрмасин, чекрангизга ғам соя солмасин. Биз—фарзандларингиз камолини кўринг.

Фарзандларингиз.



ЎЗЛАРИНИНГ ОҒЗИ ШАПОҒУ...

Ҳолливуд кино юлдузлари, эр-хотин Брюс Уиллис ва Деми Мур экранда ҳам, ҳаётда ҳам ибосиз сузларни ҳеч уялмай ишлатаверадилар. Таниш-билишлари Брюс сукинишида ҳатто кучадаги дайдиларни ҳам мот қилади дейишади. Лекин улар қизлари олдида тилларини ёмон сузлардан тиядилар ва хизматкорлардан ҳам шуни талаб қилишади. Яқинда улар қизлари олдида оғзидан ноҳуя суз чиқиб кетган хизматкорни ишдан ҳайдаб юборишди. «Қизларимиз ҳам бизга ўхшаган бўлишларини истамаймиз», дейди улар.

Михаил ЖВАНЕЦКИЙ

ТЕЛЕФОНОДАҒИ МОЖАРО

Ҳажвия

Хотин юмшоқ оромкурсида баҳузур жойлашиб утириб олган, дугонаси билан телефонда гаплашатири. Эр унинг рупарасида қошқовоғига қараб, музтар булиб қулчузиб турибди.

— Верочка, уни ҳеч ким менчалик яхши билмайди. У менинг гулдай ёшлигимни хазон қилди. Умримнинг энг ширин, энг бахтиёр дамларини заҳар-заққумга айлантирди. Шундай беозор, орзу ҳаваслари тулиб-тошган қалбимни топтади. Ойдай ҳусну жамолимдан, мана, нима қолди?! У мени нимага айлантирганини бир курсанг! Эсингдами, қуриб уз қузларингга ишонмагандинг? Ҳозир бошимда тирғалиб турибди, овқат берармишман.

ЭР: — Егани бирор нарса берсанг-чи.

ХОТИН: — Курдингми, бундан бошқа гап эшитмайсан. Бермайман!

ЭР: — Овқат деяман. Овқат берсанг-чи!

ХОТИН: — Овқат йўқ!.. Ана, қурмайсанми, жаҳли чиқапти.

ЭР: — Бирор нима бер, ахир. Мен тополмадим. Бул энди, овқат-повқатинг булса сузмайсанми.

ХОТИН: — Ана. Жини қузий бошлади.

ЭР: — Қаерда овқатинг? Булсанг-чи!

ХОТИН: — Йўқ овқат! Овқатга арзийдиган нима иш қилдинг. Ҳозир жанжал кутаради.

ЭР: — Ҳой, берсанг-чи бирор нима. Бул, ахир, зolim!

ХОТИН: — Ана! Курдингми, гирт жанжалкаш. Верочка, курган куним курсин менинг, ҳар кун шундай дуқ-пуписани эшитавериб адоий-тамом булдим. Ким? Ким? У билан кимам бирга яшарди? Чидеганинг нимаси? Нега энди чидарканман? Букирганини эшитаётгандирсан.

ЭР: — Валақлашни бас қилсанг-чи. Ҳозир телефон-пелефонингни узиб ташлайман.

ХОТИН: — (трубкани эр томонга чузиб): — Эшит, эшит, Верочка! Нима? Эшитилмаяпти. Ҳозир у мендан эшитадиганини эшитади. Йўқ, нега энди мен жим туришим керак, мени қузғатган унинг узику. Йўқол! Ҳозир ранги бузаради. Ана! Айтдим-ку!

ЭР: — Берасанми, йўқми? Улдираман!

ХОТИН: — Эшитдингми?! Ҳозир юрагини чангаллайди! Йўқол қузимдан! Кет! Юрагини чангаллапти...

Ҳозир пулни ёдига соламан, хушдан кетиб қулайди, қузлари олаяди, таом булади. Эшитаяпсанми, Верочка пулни сураяти, бериш керак экан.

ЭР: — Қанақа пул? Мен ҳеч нарсани билмайман.

ХОТИН: — Икки юз минг. Мен олудим. Тугрими, Верочка?.. Мана (трубкага ишора қилади).

ЭР: — Қанақа икки юз? Қаердан оламан? Не-

га олудинг?

ХОТИН: — Пулни бер!

ЭР: — Бермайман! Ос узингни!!!

ХОТИН: — Қара, Верочка, ҳозир жинниси чиқади. Пулни бер, деяман!

ЭР: — Бермайман!

ХОТИН: — Курдингми, Верочка, ҳозир муштани ишга солади. Қани, бул, пулни бер!

ЭР: — Улдираман!

ХОТИН: — Ана, ана! Эшитаяпсанми? Букираяпти. Огзи очилиб қолди. Жағи бир тарафга қийшайиб кетди, курагини чангаллаб, устимга бостириб келаяпти. Телефонни узиб қуймасайди. Қочма, Верочка. Дадил бул. Пулни бер, ярамас!

ЭР: — Берувдим-ку сенга.

ХОТИН: — Уйга ишлатдим... Ҳозир қулайди.

ЭР: — А! А! Воҳ! 500 мингми-я!

ХОТИН: — Тамом. Улади энди.

ЭР: — Улаяпман.

ХОТИН: — Ҳозир ерга чузилади.

ЭР: — Уч кунда тугатиб улгурдингми?

ХОТИН: — Ҳа, уч кунда! Тамом. Қулади. Бир тийинам қолгани йўқ. Болага сут олай, пул бер. Ҳозир чиқиб, бошини олиб кетади.

ЭР: — Йўқол!

ХОТИН: — Кетди! Ана шунақа, Верочка, нима учун мен бу можароларнинг ҳаммасига чидашим керак? У мени адоий-тамом қилди. Гулдай ёшлигимни хазон қилди. Умримнинг энг ширин, энг бахтиёр дамларини заҳар-заққумга айлантирди...



Доктор:— Камроқ овқат энг, семизлик соғлиққа зарар.

КУЛГИТЕРАПИЯ

Иркутск шаҳрида яшовчи, корейс миллатига мансуб Кэн Че Ри хоним кулги ёрдамида даволаш мумкин деб ҳисоблайди. У ўзининг бу борада қилаётган ишини «кулгитерапия» деб номлади. Ишдаги, ошладаги турли ташвишлардан сиқилган, ичига чи-роқ ёқса ёришмайдиган кишилар Кэннинг қабулига кириб чиқиб, ғам-ташвишларини оз бўлсада уни-тишмоқда.

Оламда гап кўп

Муассисларимиз:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХОТИН-КИЗЛАР
КЎМИТАСИ, БОЛАЛАР
ЖАМФАРМАСИ ВА
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ХАЛҚАРО
ХАЙРИЯ
ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатилиш
трощмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Телефон: 33-28-20, 36-56-52, 34-86-91
Урол СОДИҚ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-031 21597 нусхада чоп
этилди.Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Сўнгги устун

Қайси мамлакатнинг давлат байроғини олиб қарамайлик, унинг ҳар иккала томонига ҳам бир хил тасвир туширилганини қураимиз. Жанубий Америка қитъасида жойлашган Парагвай давлатининг байроғи эса бундай эмас. Унинг бир томонига давлат гербининг, иккинчи томонига эса давлат хазинахонаси муҳрининг тасвири туширилган.

Балзак «Инсон комедияси» асарини яратиш жараёнида эллик минг пиела қаҳва ичган экан.

1818 йил қирол Карл Йохан XIV Швеция тахтига утиргандан кейин саройдаги қироллик гвардиясига мўйлов қуйишни буюрди. Айрим қуса гвардиячилар қиролнинг газабига дучор бўлмаслик учун узоқ вақт ясама мўйлов епиштириб юришган.

Швейцариялик Ван Дорник дундаги энг катта авиамоделини яратди. Унинг узунлиги 6 метр, қанотлари 5,6 метрга, оғирлиги 50 килограммга тенг. Лекин Дорник уни учирини учун русат ололмапти. Маҳаллий маъмурият бундай улкан авиамоделини учирини одамларнинг ҳастига ҳавф солиши мумкин деб ҳисоблашмоқда.

Бундан 150 йил олдин америкалик капитан Симмс мамлакат конгресси-дан Ер шарининг Шимолий ва Жанубий қутбларини бир-бири билан боғловчи туннел қазини учун маблағ ажратишни сураб мурожаат этган эди. Конгресс қуччилик овоз билан бу аҳмоқона таклифни рад этди, лекин конгрессменлардан 25 нафари ушбу лойиҳани ёқлаб овоз беришган.

Гонг Конг ресторанилари илон шурваси билан дунета машҳур. Ҳар ойда бу ердаги рестораниларга 100 мингта илон келтирилади. Ресторан ховлисидаги маҳсус қафасларда сақланадиган бу тирик илонлардан хуранда узига маъқулини танлаб, хуш курган таомини тайёрлашни буюрди.

Японларнинг миллий ифтихори ва фахри бўлмиш сумо курашчилари ишқ-муҳаббат бобида ҳам чекланшларга дуч келишди, яъни улар ҳамма соҳаларда булгани каби оилавий ҳаётда ҳам миллийликни сақлашлари шарт. Ҳатто фақат отаси (ехуд онаси)гина бошқа миллат вакили булган қизга уйланишлари мумкин эмас.